



Маҳалла

ШАНБА

2014 йил 21 июнь,
№52 (1019)

ФОНД КЎМАГИДА

Ҳисоб-китобдаги аниқлик — ҳисобчилар фаолиятининг муҳим мезони

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви 2014 йилга мўлжалланган Иш режасида Фонднинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари ходимларининг билим ва касбий малакасини ошириш бўйича ўқув-семинарлар ўтказиш белгиланган.

■ **Толибжон НИЗОМОВ**
«Mahalla»

Шунга асосан Фонд республика бошқаруви томонидан «Маҳалла» хайрия жамоат фонди тизимида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи юритилишини такомиллаштириш, бухгалтерия ҳисоб-китобини юритишда муаммолар ечими» мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди.

Ҳисобчиларнинг ўз ишига масъулиятини, жавобгарлик ҳиссини ҳамда касбий малакасини янада ошириш мақсадида ташкил этилган семинарда Адлия вазирлиги, Давлат солиқ ҳамда статистика қўмитаси масъул ходимлари, ҳуқуқшунослар, Фонд мутасаддилари, вилоят бўлимлари бош ҳисобчилари, пойтахтимиз ва Тошкент вилоятининг туман(шаҳар) бўлинмалари катта ҳисобчилари иштирок этдилар.



КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

Фаолият Намунавий низомга уйғун

Ҳукуматимиз томонидан маҳаллаларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини оширишга қаратилган қатор қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилмоқда.

■ **Санобар БОЙМУРОДОВА**
«Mahalla»

2013 йилнинг 7 октябрида Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори билан тасдиқланган Намунавий низомлар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини самарали ташкил этишда муҳим дастуриалма бўлмоқда.

— «Фуқароларнинг ўзини ўзи

бошқариш органлари тўғрисида» қонун талаблари асосида ишлаб чиқилган мазкур Намунавий низомлар қамрови замон талабларидан келиб чиққан ҳолда кенгайтирилиб, вазифалар аниқ белгиланган, — дейди Қарши туманидаги Ертепа кишлоқ фуқаролар йиғини раиси Рашид Бобоев. — Шунга асосан, йиғинимиздаги мавжуд 8 та комиссиянинг низомини ишлаб чиқдик. Бугунги кунда ишлар ана шу низом талаблари асосида ташкил этилмоқда.

> [2]

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Тизим такомилда мустаҳкам таянч

Моҳира Алимахсумова жорий йилги «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичида фахрли иккинчи ўринни қўлга киритди.

■ **Толибжон НИЗОМОВ**
«Mahalla»

Пойтахтимизнинг Яккасарой тумани «Яккасарой» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчининг бундай муваффақиятга эришишида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув-курслари раҳбари Сотиболди Бобокўлов. — Улардан 200 нафари раис ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи бўлса, 150 нафари масъул котиб ва «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбарларидир. Жорий ойнинг якунигача яна 100 нафар тингловчи сертификат топирилади.

роларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув-курсларининг олоҳида ўрни бор. Чунки машғулотларда фаол қатнашган йиғин мутасаддиларининг фаолиятида самарадорликка эришилаётганини кузатиш мумкин.

— Ўқув-курсларини 350 нафар тингловчи тамомлади, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув-курслари раҳбари Сотиболди Бобокўлов. — Улардан 200 нафари раис ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи бўлса, 150 нафари масъул котиб ва «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбарларидир. Жорий ойнинг якунигача яна 100 нафар тингловчи сертификат топирилади.

2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ



Ораста қизлар — маҳалла кўрки

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан «Маҳалланинг энг ораста қизлари» республика форуми ташкил этилди.

■ **Назokat УСМОНОВА,**
ЎЗА муҳбири.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида ўтказилган ушбу анжуманда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган

кўрик-танловлар ғолиблари, хотин-қизлар қўмиталари, маҳалла фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, ўқитувчилар, шифокорлар иштирок этди. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёшларнинг юксак интеллектуал ва маънавий салоҳи-

ятга, чўқур билим ва замонавий дунёқарашга эга баркамол авлод бўлиб вояга етиши, ҳаётда муносиб ўринни эгаллаши масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда қизларни 12 йиллик узлуксиз таълим билан қамраб олиш, уларнинг саломатлиги, спорт билан шўғулланиши, касб-ҳунар эгаллаши тўғрисида ғамхўрлик кўрсатиш борасида изчил тизим яратилгани ўзининг юксак самарасини бермоқда.

> [4]

«АБИТУРИЕНТ — 2014»

Билим ва тафаккур — юксак парвоз қаноти

Мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар қаторидан ўрин эгаллаши, унинг эртанги истиқболи кўп жиҳатдан юксак салоҳиятли, малакали кадрларга боғлиқ.

■ **Зебинисо ҲАЙИТОВА**
«Mahalla»

Юртбошимиз раҳнамолигида юксак билим ва тафаккурга эга авлодни тарбиялашга қаратилаётган доимий эътибор замирида ҳам келажоги буюк мамлакатни барпо этишдек эзгу мақсад мужассам.

Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган «Таълим тўғрисида» қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга изчил татбиқ этилиши, жамият ҳаётининг барча жабҳаси учун юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Президентимизнинг 2011 йил 20 майда қабул қилинган «Олий таъ-

лим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори таълимнинг барча босқичи, жумладан, олий таълим тизимини замон талаби даражасида такомиллаштиришга қаратилаётган амалий ишларнинг ифодасидир.

Бундан ташқари, жорий йилнинг 6 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» қарори ва шу асосидаги Дастур юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чўқур билимга эга ватанпарвар ёшларни тарбиялашда дастуриалма бўлаётди.



> [2]

СИЗДА ҚАНДАЙ ТАЖРИБА БОР?

Эзгуликка камарбаста одамнинг нияти пок, мақсади ойдин бўлар

Саломат опа учун маҳаллада фойдасиз ишнинг ўзи йўқ. Соғлом турмуш тарзи, барқарор маънавий муҳит, хотин-қизлар репродуктив саломатлигини таъминлаш сингари юмушлардан опа ҳеч ҳам чарчамайди. Узининг низомида белгиланган вазифаларидан орттирилган ҳудуд ёшлари ҳаёти, ўй-интилишлари, муаммолари билан ҳам шўғулланишга вақт топади.

■ **Акбар РУСТАМОВ**
«Mahalla»

Бир гал маслаҳатчи умумтаълим мактабининг юқори синф ўқувчилари ўртасида ўтказган аънавий тадбирларининг бирида яқин икки-уч кундан бўён бўш турган партага эътибор қаратди. Тадбир туғалгач, ўша партада ўтирадиган боланинг нега дарсга қатнамаётгани сабаби билан қизикди.

— Аслида у ҳар куни дарсларга

келяпти, — деди ўқитувчи. — Аммо уч соат дарсда бўлиб, кетиб қоляпти. Чақириб галлашиб кўрдик, натижаси бўлмади. Ўзлаштириши ҳам бинойидек эди...

Шундан сўнг маслаҳатчи боланинг уйига йўл олди. Бориб кузатса, хонадон атрофи хароб, томорқа қаровсиз, гўё бу ҳовлида одам яшамаётгандек. Бу пайт ичкаридан ранги заҳил аёл — боланинг онаси чиқиб келди.

— Барчасига мен сабабчман, — деди она оғир хўрасиниб. — Шу касал ўлғур анча қийнаб қўйди-да. Аввалига

ҳам ишлаб, ҳам маҳалланинг нафақаси эвазига бир амаллаб рўзгор тебратиб тургандим. Аммо етиб қолганидан сўнг биргина нафақанинг ўзи ҳам рўзгор, ҳам дори-дармонларга камлик қиларкан. Болам боқиб шулорни ўйлаб, қаршилигимга қарамай ҳар куни кишиларнинг уйда усталик қилапти.

Саломат опа маҳалла раиси билан маслаҳатлашиб, хонадонга паррандачилик билан шўғулланиш учун 50 бош зотли товўқ келтириб берди. Ҳашар йўли билан хонадон томорқаси тартибга келтирилиб, Назиржонга тегишли йўл-йўриқлар кўрсатиш уста миришкор Мўҳсин отага топирилиди.

Мазкур ҳаракат орқали бир хонадон ободлигига эришиш баробарида, Назиржоннинг дарсларга мунтазам қатнаши ҳам таъминланди.

> [2]

Топширилди — 21.⁰⁰



КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

Фаолият Намунавий
низомга уйғун

< [1]

Айни пайтда комиссиялар таъсир доираси янада ортган. Бу эса барча комиссиялар қатори Яраштириш комиссияларини ҳам чин маънода жамиятдаги ижтимоий тузилма сифатида ўз ўрни ва нуфузининг янада ошишида, фуқаролар йиғинларининг ваколат ва ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Кўп ҳолларда Яраштириш комиссияси фақат оилавий жанжалларни бартараф этиш, ажримларнинг олдини олиш, қайнона-келини, кўни-қўшинчилик муносабатлари, тўйларни ихчамлаштириш масалалари билан шуғулланиб келган, — дейди йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Латофат Чориева. — Эндilikда Намунавий низомдан ўрин олган кенг қамровли вазифалар бўйича қатъий режа асосида иш олиб боришмоқда.

Жумладан, ёшларни турли ёт гоғлар таъсиридан асраш, ичкиликбозлик ва гиёҳвандликнинг олдини олиш, йигит-қизларни оила қуришга тайёрлаш, уларга оила мукаддаслиги ҳақида тушунчалар бериш, нотинч оилалар билан ишлаш, ҳулас, зиммдаги масъулиятли вазифалар талайгина.

Комиссия аъзоларини шакллантиришда ана шу жиҳатлар ҳисобга олиниб, маҳалла юмушларига фаол ва фидойий кишилар жалб қилинган. Бугун улар комиссия фаолиятини иш режаси асосида намунави тарзда

юретишяпти. 11 кишидан иборат комиссия аъзолари фуқаролар йиғинига қорашли қишлоқ ва маҳаллалардаги оилаларни рўйхатга олиб, уларнинг турмуш тарзи билан яқиндан танишиб чиқишди. Нотинч оилалар тузилма сифатида ўз ўрни ва нуфузининг янада ошишида, фуқаролар йиғинларининг ваколат ва ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Масалан, маҳалладаги мавжуд 4 та нотинч оила ўрганилганда, оила бошлиқлари ичкиликка берилгани маълум бўлди. Улар вилоят наркология диспансерида доволантирилиб, оиласи бағрига қайтарилди.

Шунингдек, комиссия низом асосида ёшларни оила қуришга руҳий-маънавий жиҳатдан тайёрлаш, оилавий ажралишларнинг олдини олиш бўйича тарғибот ишларини ташкил этиш, оиланинг мукаддаслиги ва жамиятнинг асосий бўлини эканлигини улар онгига синдиришга қаратилган ўндан ортик тарғибот тадбирини ўтказди. Намунави оилалар, уларда фарзанд тарбияси, оила аъзолари ўртасидаги ибратли муносабатларни оммалаштириш борасидаги сый-ҳаракатлари ҳам алоҳида эътиборга молик.

Ҳуллас, ҳудудларда маънавий муҳитни яхшилаш, оилалар тотувлигини таъминлаш, ҳар томонлама баркамол ёшларни тарбиялаш, қодирлатириш янада сайқаллаштириш борасида фуқаролар йиғини ҳамда комиссияларнинг роли ва аҳамияти бекиёс. Зеро, бу йўналишдаги ишлар Намунавий низомда тўла акс этирилиган.

ФОНД КЎМАГИДА

Ҳисоб-китобдаги аниқлик — ҳисобчилар
фаолиятининг муҳим мезони



■ РАЙИДДОВ олган сурат.

< [1]

— Ҳисобчиларнинг ҳуқуқий билимлари оширилиши Фонд тизимида бухгалтерия билан боғлиқ турли камчиликлар юзага келишининг олдини олади, — дейди Фонд республика бошқаруви бош ҳисобчиси Жамшид Жалилов. — «Жамоат фондлари тўғрисида»ги қонуннинг 25-моддаси ҳамда Фонд бўлим ва бўлинмалари тўғрисидаги Уставга асосан, бўлим ва бўлинмаларнинг мол-мулки алоҳида балансда ва Фонд балансида ҳисобга олиниши белгиланган. Шу боис фойдаланувчиларни аниқ, тушунарли ва тезкор бухгалтерия маълумотлари билан таъминлаш учун тизимда бухгалтерия ҳисоби регистрлари ва ҳисоботлар ҳамда провадқаларни бир хил қўришишга келтириш талаб этилади. Бунинг учун «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика ва бўлим, бўлинмалар бошқарувида молия ҳамда бухгалтерия ҳисо-

бини, ҳисоботини юритиш тартиби иш-лаб чиқилди. Унда Фонд Уставига асосан маблағларни сарфлаш тартиби, фуқароларнинг муносабатлари бўйича ажратиладиган моддий ёрдамлар ва ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши тартиби каби долзарб вазифаларнинг ҳуқуқий асослари аниқ мисолларда очиб берилган.

Ҳисобчилар Фонд мутасаддилари билан бирга аҳоли муносабатлари асосида кам таъминланган оилаларга моддий, маънавий кўмак беради. Шунингдек, турли маънавий тадбирлар ўтказишга, фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва бошқа мақсадларга мублаг ажратди. Бундай хайрли, қолаверса, масъулиятли ишни амалга оширишда ҳисобчилардан ҳуқуқий билим талаб этилади.

— Семинарда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, ҳудудий бўлим ва бўлинмалар Устави ҳақида ҳуқуқшунос-мутахас-

сисларнинг маърузаларини тингладик, — дейди Фонднинг Навоий вилояти бўлими бошқаруви бош ҳисобчиси Акбар Бобомуродов. — Фонднинг турли йўналишлардаги молиявий харажатлар тақсимо-тига оид вазифаларнинг ижросида бош ҳисобчиларнинг масъулиги, мажбуриятлари тушунтирилди. Ушбу семинар ана шу жиҳатлари билан аҳамиятлидир.

Айтиш жоизки, семинар давомида Фонднинг вилоят бўлими бош ҳисобчилари илғор тажрибаларини ўртоқла-шишди, эркин мулоқот тарзида бухгал-терия ҳисобини юритишнинг ўзига хос жиҳатларини муҳокама этишди.

— Тадбирда нафақат ҳуқуқий билимизни оширдик, балки ҳамкасблар билан ўзаро ахборот алмашувини йўлга қўйишга ҳам келишиб олдик, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент вилояти Бўстонлик тумани бўлинмаси катта ҳисобчиси Тамара Бобоқуллова. — Машгулотнинг интерфалол усулда ўтгани янада қизиқарли бўлди. Ҳисобчилар қизгин баҳс-мунозарга киришиб, фикр-мулоҳазаларини эркин баён этдилар. Қолаверса, Фонд тизимида бухгалтерия ҳисобини юритишнинг барча ҳуқуқий асосларини, шунингдек, Фонд мулкани ва товар-моддий бойликлари ҳисобини юри-тиш ҳамда инвентаризациядан ўтказиш тартибини билиб олдим.

Ўқув-семинар давомида Фонд мулкани асраб-авайлашда, товар-моддий бойликларни рўйхатдан ўтказишда Фонднинг вилоят бўлими бош ҳисобчилари назорати зарурлиги таъкидланди.

Баҳс-мунозара, савол-жавоб тарзида ўтган ўқувда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди тузилмалари томонидан молиявий маблағлардан фойдаланишдаги айрим камчиликлар ҳам муҳокама этилиб, уларни бартараф этиш бўйича тегishли тавсиялар берилди.

Тадбир сўнгига иштирокчиларга «Маҳалла» хайрия жамоат фонди рес-публика ва вилоят бўлими, туман(ша-ҳар) бўлинмалар бошқарувида молия ва бухгалтерия ҳисоби ҳамда ҳисоботи-ни юритиш тартибига доир қўллан-малар тарқатилди.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИАТИ САРИ

Тизим такомилида мустаҳкам таянч

< [1]

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузурида давлат таълим муассасаси шаклида фаолият юритаётган ўқув-курсларида фуқаролар йиғинлари ходимларининг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий билимини ошириш билан бирга, соҳа вокиллари зиммасига юклатилаётган масъулиятли вазифаларни ҳаётга изчил татбиқ этишда ҳам профессор-ўқитувчилар, мутахассислар томонидан зарур ёрдам кўрсатилмоқда.

— Маҳалла тизимида фаолият бошлаганимга олти ой бўлди, — дейди Юнусобод туманидаги «Янгиариқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Собир Султонов. — Ўртбошимизнинг қарори билан ташкил этилган ўқув-курсларига илк бор сайланган раислар жалб этилаётгани мақсадга мувофиқдир. Чунки дарсларда табиат муҳофазаси, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкалтириш

лаштириш, тинчлик ва осойишталикни таъминлаш бўйича кўникмаларимизни янада мустаҳкамлаб олдик.

Тингловчиларга фуқаролар йиғинларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ижтимоий шериклик механизмларини шакллантириш борасида атрофлича маълумотлар тақдим этилаётгани ходимлар фаолиятини янада такомиллаштиришда қўл келяпти. Шунингдек, ўқувларга солиқ, молия, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари вакиллари, тижорат банклари мутахассислари жалб этилаётгани яхши самара бермоқда.

Энг муҳими, курсларда ўқув жараёни замонвий шакл ва методлардан, илғор педагогик, ахборот-коммуникация ва инновация технологияларидан фойдаланган ҳолда ташкил этилиши тизимга доир илғор тажрибаларни оммалаштириш имконини бермоқда.



«АБИТУРИЕНТ — 2014»

Билим ва тафаккур — юксак парвоз қаноти

< [1]

Юртимизда олий ўқув юртига кириш учун тест синовларининг қўла-ноётгани ёшлар орасидан энг билимларини танлаб олиш имкони-ни бераётир. Сўнгги йилларда тест синовлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги «Олий таълим муассасаларига қабул қилиш, талабаларни ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш ҳоқида»ги қарори ва Олий таълим муассасаларининг бакалавриятига талабаларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомига мувофиқ ўтказилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда олий маълумотга эга бўлиш истогидоги ёшлар софи кенгайиб бораётгани қувонарли, албатта. Хусусан, 2012 йилда олий таълим муассасаларига 432 минг нафарга яқин абитуриент ҳужжат топширган бўлса, 2013 йилда уларнинг сони 480 минг нафардан ошди.

Давлатимиз раҳбарининг олий таълим муассасалари бакалавриятига танланган мутахассислиги бўйича ўқишга қираётган абитуриентлар-

ни тест синовидан ўтказиш сифати ва ҳолислик даражасини ошириш, уларнинг интеллектуал салоҳияти, дунёқароши ва мустақил фикрлаш қобилиятини баҳолаш мақсадида 2014 йил 30 апрелдаги Республика олий таълим муассасаларига қабул қилиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисидаги қарорига имзо чекиши тест топшириқларини тайёрлаш, уларни текширишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш ва сифатини оширишда муҳим асос бўлди. Унга кўра, жорий йилда олий таълим муассасаларига қабул қилиш тартибига бир қатор ўзгартиришлар киритилди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази маълумотларига кўра, 2014-2015 ўқув йилида олий таълим муассасаларининг бакалавриятига талабаларни қабул қилишда математика фани бўйича тест синовларига информация ва ахборот технологияларига тааллуқли савол ҳамда топшириқлар киритилмоқда. Хусусан, энди абитуриентлар математика бўйича 30 та, информатика ва ахборот техноло-гияларидан 6 та саволга жавоб топишлари лозим. Тест синовларига математика фани ҳам киритилди-ган 168 та таълим йўналишининг 108

таси бўйича имтиҳонларга юқорида қайд этилган масалаларни жорий этиш қўтилмоқда. Шунингдек, абитуриентларнинг билим даражасини аниқлаш, мутахассислик бўйича фанлар ролини тубдан ошириш мақса-дида тест синовларига киритилган фанлар рўйхатини қайта кўриб чиқиш ҳамда янгилаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, таълим йўналишлари таҳлил этилиб, 43 та таълим йўналиши бўйича тест синовлари ўтказиладиган фанлар, яъни 22 та йўналиш бўйича мутахассисликка оид фанлар қайта кўриб қилинди.

Бугунги кунда мамлакатимизда чет тилларни ўқитишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори тизимда олиб борилаётган сый-ҳаракатларнинг изчил амалга оширилишида муҳим омил бўлаётир. Бу йилги тест синовларини тизимига 24 та таълим йўналишида чет тиллар бўйича тест синовлари жорий этилмоқда. Эндilikда ушбу фан бўйича тест синовлари ўтказиладиган таълим йўналишлари сони 35 тодан 59 гага етди.

СИЗДА ҚАНДАЙ ТАЖРИБА БОР?

Эзгуликка камарбаста
одамнинг нияти пок,
мақсади ойдин бўлар

< [1]

— Бола тарбияси жуда нозик жараён, — дейди Саломат Комилова. — Болаликда маънавиятига етказилган кичкина бир дарз кейинчалик катта ўпқонга айланиши мумкин. Шу боис биз маҳалладаги маънавий муҳитни, унинг ободлигини таъминлаш учун ёшлар тарбияси, мактаб ва коллежлардаги даволат, таълим жараёнини назорат қилиб борамиз. Бир мисол. Бундан уч-тўрт йилча муқаддам бир тадбиркор маҳалламизда компьютер ўйинлари маркази очди. Икки-уч кундаёқ мактаб болалари шу хонага қўллалиб қолса, дег. Мактабдаги даволат бир аҳволда. Компьютерда болалар нима билан шуғулланишгаётганини билиш учун ўша ёққа бош суқдим. Борсам 12-13 ёшдаги болалар отишма-ю қон тўкишдан иборат аллақандай ўйинлар билан машғул. Ахир, бола ҳаётдан бундай шовқатсизлик акс этган тасвирларни хотиржам қабул қилса, йиллар ўтгач дийда-си қотиб ўзи ҳам хунук қилмишларга қўл урмаслигига ким қафолат беради? Раҳимжонга шуларни тушунтирдик. Агар мақсади да-ромдад топиш бўлса, шу дўконни дарсдан ташқари компьютер ўргатиш курси ёки хат-хабарлар жўната-диган, ёшларнинг «ZiyoNET» тармоғига уланган интер-нет-кафега айлантириш мумкинлиги ҳусусида тавсия бердик. Ушбу тавсияларни инобатга олган тадбиркорнинг дўқони ҳозир ҳам мактабдан бўш вақтларда ўқувчилар билан гавжум. Хайтовур, энди унинг фаолиятидан катталар ҳам, ёшлар ҳам бирдек манмун.

Айни пайтда 510 та оила таркибида 2 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган Қорақўл туманидаги «Дўрман» маҳалла фуқаролар йиғинида С.Комилованинг маҳалла ва руҳини муқофотлаш тўғрисидаги фармонида кўра маслаҳатчи «Шўхрат» медал билан тақдирланди. Жорий йилда эса унинг соҳадаги ибратли ишлари «Энг намунавий диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи» кўрик-танлови туман ва вилоят босқичларида ҳам муносиб баҳола-ниб, биринчи ўринни қўлга киритди ҳамда у республика босқичига йўлланма олди.

Албатта, маҳалла сингари катта оиллада маъна-вий соғлом муҳитни шакл-лантирмоқчи бўлган шахснинг дунёқароши ҳам шунга мос, ҳудуд аҳли учун ўзига хос намуна бўлиши лозим. Саломат опанинг кишилар билан мулоқотдаги муо-мала моданияти, теран дунёқароши ана шу фикрларга муносиб далилдир. Унинг маҳалла тизимида олиб бораётган фаол ишлари ўтган йилда муносиб эътироф этилди. Президентимизнинг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимидаги ходимлардан бир гуруҳини муқофотлаш тўғрисида»ги фармонида кўра маслаҳатчи «Шўхрат» медал билан тақдирланди. Жорий йилда эса унинг соҳадаги ибратли ишлари «Энг намунавий диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи» кўрик-танлови туман ва вилоят босқичларида ҳам муносиб баҳола-ниб, биринчи ўринни қўлга киритди ҳамда у республика босқичига йўлланма олди.



< [1]

Қонунлар ва уларнинг талаблари асосида ишлаб чиқилган Намунавий низомлар мазмун-моҳияти, уларни ҳаётга татбиқ этишда эътибор қаратиладиган муҳим жиҳатлар ўқув-семинарнинг асосини ташкил этди.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалар ва уларнинг ижроси билан боғлиқ масалалар, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳоёти, қабул қилинган бошқа қонун ҳужжатлари мазмун-моҳияти ҳам соҳа мутахассислари томонидан тадбир иштирокчиларига чуқур тушунтириб берилди.

— Ўқув-машғулот биз каби маҳалла фаолларининг иш-ни қонлантиришга, қолаверса, олдимизда турган масъулиятли вазифаларимизни чу-

қурроқ англаб етишимизга туртки бермоқда, — дейди тумандаги «Файзиобод» маҳалла фуқаролар йиғинининг Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссияси раиси Севора Азимова. — Шу билан бирга, комиссияни шакллантириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш, комиссиянинг мақсад ва вазифалари, ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тўғрисида кенг тушунчага эга бўлди. Ўйлаймани, семинар туфайли барча комиссия раислари ўз фаолиятига оид билим ва кўникмаларини оширишди.

Айтиш жоизки, семинар давомида иштирокчилар интерфалол усулда ўзаро машғулотлар ўтказиш орқали билимларини мустаҳкамлади, тажриба алмашди. Бу келгусида оилаларни мустаҳкамлашда, уларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда, давлат бошқаруви органлари ва жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигини янада қучайтиришда, кенг жамоатчилик ва фуқаролар билан ишлашда ўз самарасини бериши шубҳасиз.

Ўқув-семинарлар давом этмоқда.



Бундан ташқари, физика асосий мутахассислик фани бўлган таълим йўналишлари сони бештадан йигирматага, биология асосий фан сифатида ўқитиладиган таълим йўналишлари эса ўн саккизтадан йигирми биттага қўпайтирилди.

Ҳадемай олий ўқув юртларига кириш имтиҳонлари босиб боради. Барча абитуриентлар ушбу билимлар си-нови қўнини катта ҳаяжон ва тайёр-гарлик билан кўтмоқдалар. Талаба-ли бахти эса, фақат юксак билим эгаларигагина насиб этиши сир эмас.

МАҲАЛЛА — ОИЛАВИЙ БИЗНЕС МАРКАЗИ

Мақсад аниқ, режалар бисёр

Сариосиё шаҳарчасидаги Мирзо Улуғбек номи маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Шарофат Зарипова ҳамда Шаҳло Ибрагимова йиғин фаоллари кўмагида тиқиш-бичишга ўқуви бор хотин-қизларни жалб этиб, касаначиликни йўлга қўйишди. Натижада ҳудуддаги ўн беш нафар аёлнинг бандлиги таъминланди.

■ **НИГИНА ШОЕВА**
«Mahalla»

Уч минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган мазкур йиғинда оилавий бизнесни йўлга қўйиш, ёшларни иш билан таъминлаш, касаначиликни ривожлантириш асосида уй меҳнатини ташкил этиб, хотин-қизлар бандлигига кўмаклашиш чора-тадбирлари йиғиннинг Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссияси томонидан тизимли олиб борилаётир. Ушбу саноат-хўжалик натижасида бугун ҳудудда йигирмадан зиёд фуқаро оилавий бизнес билан машғул. Хусусан, Мухаммади Еров жорий йилда йиғин фаоллари кўмаги ҳамда банкнинг мақсадли кредит маблағи ҳисобига «Сариосиё Мухаммодшер» оилавий корхонасини ташкил этди. Ойлангн тўрт нафар аъзоси меҳнат қилаётган корхонада замонавий эшик-ромлар тайёрланади. Ушбу маҳсулотлар пишиқ ва бежиримлиги, ҳамёнбоплиги боис хориждориг. Ишбилармон яқинда йиғин кўмагида фаолият қўламини кенгайтириб, тикувчилик чеҳи очиб, яна ўн нафар янги иш ўрни яратиш ниятида.

Яна бир тадбиркор Қароман Хасанов ҳудуддаги қаровсиз ётган жойда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохбачаларини бунёд қилди. Ёнма-ён қурилган биноларда «Rayne», сартошхона ва гўзаллик салонининг ишга туширилганидан аҳоли мамун. Тадбиркорнинг оёққа мустақам туриб олишида ҳам, шубҳасиз, йиғин фаолларининг ёрдами катта бўлди.

Ҳудудда томорқачиликни ривожлантиришда яхши натижаларга эришилаётир. Жумладан, Раим Ҳакимов ва Мелик Шомуродов бир неча

йиллардан буён томорқасидаги мўъжиз иссиқхонада лимон ўстириб, мўл ҳосил олишда катта тажриба тўплаган.

— Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида асосий йўналишлар бўйича комиссиялар тўғрисидаги Номуновий низомиларнинг тасдиқланиши йиғинлар фаолиятини ташкиллий-ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириш, воқолат ва вазифаларини кенгайтиришга замин яратди, — дейди йиғин раиси Роҳатой Доңиёрова. — Айниқса, ҳудудда фуқароларни тадбиркорликка йўналтириш, уларга амалий кўмак бериш ва қўллаб-қувватлаш бораборида аҳоли бандлик даражаси юксалишида юқори натижаларга эришилмоқда. Бунда, албатта, йиғиннинг Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссиясининг хизмати катта. Айнан мазкур комиссия аъзоларининг саноат-хўжалик фаоллари туфайли маҳалламизда ишбилармонлар сафи кенгайиб борапти. Улар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагидаги кишиларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб-тамоиллар, имтиёзлар, давлат рўйхатидан ўтказиш, меҳнат муносабатларидаги киришиш ва бошқа масалалар юзасидан хабардор қилаётирлар. Шунингдек, меҳнат қўлаётки кишиларни касби, малакаси, билим ва кўникмаси, қизиқишига қароб иш ўринлари билан таъминлашга кўмаклашмоқда.

Бу саноат-хўжалик ҳудуд иқтисодиётининг барқарор ўсиши, аҳоли фаровонлигининг ошишида муҳим аҳамият касб этаяпти.

ИШ БИЛГАНГА БАЛЛИ!

Стевия ўсимлигидан сифатли ҳосил

Жалақудўқ туманининг Беҳитол қишлоғидаги «Дарда дармон» оилавий корхонаси раҳбари Яхёбек Ёқубов бир неча йиллик изланишлари натижасида Жанубий Америкада ўсадиган стевиа ўсимлигини Андижон вилояти иқлимига мослаштирди. Эндликда юртимиз тупроғида яйраб илдиэ отган стевиа чойи қадоқланиб, сотувга чиқарилмоқда.

■ **НУРИЛЛО НЎЪМОҲОВ.**
Андижон вилояти.

Биз учун ангилик ҳисобланган стевиа баргининг таркибида ширин таъм берувчи фойдали модда мавжуд. Ширинлик даражаси қангла нисбатан 150-300 баробар юқори. Шу боис бугунги кунда бир қатор хориж мамлакатлари, айниқса, Японияда ундан кондитер саноати, салқин ичимликлар, шарбат, сақич, турли ширинликлар, консерва ишлов чиқаришда шокор ўрнида кенг фойдаланилади. Асл ватани Парагвай бўлган бу ўсимлиқнинг шифобахш хусусиятлари жуда кўп.

Стевиани экиб парваришлаш, ҳосилини йиғиштириб олиш астойдил меҳнат, сабр-тоқат талаб қилади. Яхёбек отаси Ёқубжон ақонинг кўмагида бу мураккаб юмушнинг уйдасидан чиқди. Уч йил илгори Россиядан олиб келинган бир неча дона илдиэ томорқадаги икки сотих ерга экилди. Шу тарихи қаламча усулида қўпайтирилиб, дастлаб 15 сотиқ, ўтган йили эса маҳаллий ҳокимлик томонидан ажратилган 60 сотиқ майдонда парваришланган ўсимлик ҳосилдорлиги гектар ҳисо-

бига 1 тоннага етди.

— Стевиа серунум тупроқда маҳаллий ўғит солиниб парвариш қилинади, — дейди оилавий корхона агрономи Дилшодбек Толипов. — Сувга талабчан, вегетация даврида номарчиликни ҳисобга олиб, 6-8 марта суғориш керак. Йил довомида бир неча бор ишлов берилди. Барглари териб олинган, қуёшдан панада, юқорига ийиб қурилади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, стевиа чойини истеъмол қилиш қон босими, қандали диабет сингари касалликларнинг олдини олади, асос тизимини яхшилайди. Танадаги ортиқча вазнини йўқотиш, бўйрак, жигар, ошқозон касалликларини доволашда кенг қўлланилади. Айни пайтда Яхёбек Ёқубов хонадонида дунёнинг турли минтақаларида ўсувчи опти турдаги ноёб ўсимликлар парваришланиб, тажрибада синов қўрилади. Улар орасида, айниқса, мутахассислар «Ўғитнинг ўқини босувчи» дея таърифлайдиган, қўллаб қўйиш ва шифобахш хусусиятларга эга аморант ўсимлиги ҳам бор. Тадбиркорнинг мақсади — фармацевтика саноати учун муҳим ҳисобланган ноёб гиёҳлардан сифатли ҳосил олишдир.

АЁЛ ТАДБИРКОР БЎЛСА...

Ишбилармонликда катта ишлар дадил уддаланмоқда



Ушбу ошман сураг.

Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги 69 та маҳаллада якка тартибда ёки оилавий тадбиркорлик билан шуғулланаётган хотин-қизлар сони салкам 200 нафарни ташкил этмоқда.

■ **ТОШБИБИ РАЖАБОВА,**
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Каттақўрғон тумани бўлинимаси раиси.

Ишбилармон аёлларга маҳалла фуқаролар йиғинларининг Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссиялари аъзолари, «Маслаҳат марказлари» яқиндан кўмакчи.

Бўлинимиз маҳаллаларда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, уларни соҳага кенг жалб этиш бўйича тадбирлар ташкиллаштирётир. Бундай тарғиботларда хотин-қизлар тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари, имтиёз ва имкониятлар, оилавий тадбиркорлиқнинг афзалликлари ҳусусида зарур маълумотларга эга бўлишмоқда. Ушбу тадбирларимиз самараси ўлароқ, айни пайтда туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясига рўйхатдан ўтишни сўраб мурожаат қилаётган аёллар сони кўн сайин ортмоқда. Уларнинг ўз олдига аниқ мақсадлар қўйиб, катта ишларни

дадил уддалаётганидан фахрланамиз.

Яқинда дунё мамлакатлари нигоҳи яна бир бор юртимизга қаратилди. Жаҳоннинг 40 та мамлакатидан ва 20 та халқаро ташкилотдан 200 нафардан зиёд меҳмон иштирок этган «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари» мавзусидаги халқаро конференцияда Президентимиз нутқ сўзлаб, жумладан, «тўлақонли овқатланиш кўп жиҳатдан унинг таркибига, истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг инсоннинг нормал ривожланиши ва фаолият юритиши, унинг организмда тўғри модда алмашинуви, соломатлиқни мустаҳкамлаш, касалликларнинг олдини олиш, кексаяиш жараёнини секинлаштириш ва умрни узайтириш учун зарур бўладиган тўйимли ва сифатли моддалар билан керакли даражада таъминланишига боғлиқлигини алоҳида таъкидлади.

Мулк шакли ва фаолияти турлича йўналишларда фаолият юритаётган каттақўрғонлик тадбиркор аёллар орасида айнан аҳолини сифатли ва ҳамёнбоп озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга ҳисса қўшаётганлари ҳам талайгина. Умум-

дор тупроқнинг зилол сувларидан симирган, қуёш нурида обдон етилган мевалар жонга роҳат, танага қувват бахш этади. Туманимиз аҳолисининг томорқаларида сархил меваларнинг камида 5-6 йили парваришланади. Ҳар бир маҳаллада бозорчилик, деҳқончилик тажрибалари шакланган. Сув ҳовузи шаҳарчаси аёлларининг бу борадаги тадбиркорлиги ўзига хос. Улар шифобахш ва доривор хусусиятга эга малина, смородина, кружовник каби ноёб меваларни етиштиришнинг ҳадисини олишган. Ушбу маҳсулотлар билан вилоят бозорларини ҳам таъминлашади. Ноёб маҳсулотларни консервлош орқали аҳолини қишда ҳам ёз неъматлари билан баҳраманд этаётган Мавжуда Турсунова, Нарғиза Болтаева, Турсунтош Алқарова, Ҳамида Азимова каби тадбиркорлар тайёрлаган мурabbo шорбатлар доимо хориждориг.

Аҳолига сифатли нон ва нон маҳсулотларини етказиб бераётган, бир йўла маҳаллоаҳолиларини иш билан таъминлашга ҳисса қўшаётганлар деярли ҳар бир ҳудудда бор. Бу борада «Боғот» маҳалласидан Мастура Тиллаева, Анаора Остонаева, Гулшан Маматқулова, Турсунтош Ризаева, жумабойлик Шаҳноза Нарзиева, мойбўлоқлик Зулайко Бегматова, Пайшанба шаҳарчасидан Ирода Абдуллоевага етadигани йўқ.

Маҳаллаларимизда қадим ҳунармандчилик анъаналарини давом эттираётган, шу орқали бизнес юритаётган аёллар бисёр. Туманимиз ҳунармандларининг каштачилик, зардўзчилик каби қўл меҳнати намуналари доимо юқори баҳолалиб келмоқда. Рўйи замин сайқали Самарқандимиздан қадами узилмайдиган сайёҳлар туманимиз аёллари қалб қўри, кўз нури билан тикилган, товусдек товланувчи сўзанаю кашталарини севиб харид қилишмоқда. Ҳунари ортидан тадбиркорлик қилиш билан бирга, унинг сир-асорларини ёш авлодга беимнат ўргатиб келаятган Шохид Раҳматова, Нодира Рустомова, Малаҳат Ҳамроева маҳалла идоралари билан доимо ҳамкор.

Ютуқларни эътироф этиш, унинг завқини ҳис этиш ёқимли, албатта. Аммо Каттақўрғон туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни янада ривожлантириш, аёлларнинг бор салоҳиятини юзага чиқариш учун ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўп. Бўлинимиз эса бу борадаги фаолиятини янги босқичга қўтаришга интилаяпти. Зеро, тадбиркорлиқни рағбатлантиришдек хайрли ишлар ортида юрт тақдирига, тарққиётига дахлдорлик мавжуд.

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ

Билағон болалар ўқув маркази

Диана Касм пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги «Новза» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшайди. Унда тадбиркорлик фаолияти ҳақида фикр тунгиланда, айнан болалар учун фойдали йўналишда иш бошлашни мақсад қилди. Шу боис бизнес-режа тузиш жараёнида бунга алоҳида эътибор қаратди ва ўтган йили «Vunderkind» билағон болалар ўқув марказини ташкил этди.



■ Н.ҲАЙДАРОВ ошман сураг.

■ **ГУЛШОДА РЎЗИҚУЛОВА.**

Бу, албатта, катта масъулият ва машоққат талаб этади. Чунки ўсиб келаятган ёш авлоднинг ҳар томонлама ривожланиши, таълим-тарбия олишнинг бошлангич жараёни мазкур ўқув муассасасидан бошланади. Жорий йилнинг «Соғлом бола йили» деб номланган ишга қаратилган маҳсулотларини янада жонлантириш, болаларни ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш, таълим беришнинг илгор усулларини ишлаб чиқишда мустақам асос бўлди.

Ўқув маркази 7 ёшгача бўлган болаларнинг турли хорижий тиллар бўйича саводхонлигини ошириш, психологик тайёргарлигини мустаҳкамлашга ихтисослашган. Айни пайтда бу ерда 80 нафардан зиёд кичкинтой таълим олмақда. Уларга юқори билим ва салоҳиятга эга ўн нафардан зиёд малакали педагог бириктирилган.

Муассаса таълим тизими-га боланинг ҳар томонлама мустақам ва чуқур билим олиши учун махсус машғулотлар киритилган. Ҳар бир машғулот ривожлантирувчи, қобилиятни оширувчи ҳамда юксалтирувчи бўлимларга ажратилган.

Бундай янгиликлардан қўллаётган асосий мақсад эса, шубҳасиз, имкон қадар банк имкониятларини мижозлар хоҳишларига мувофиқлаштиришдан иборат. Зеро, мижозлар ишончи банкнинг асосий капитали ва ютуғи бўлиб қолвереди.

■ **Банк Ахборот хизмати.**

ХУНАРДАН УНАР

Оилавий бизнес ривож топмоқда

Навбаҳор туманидаги «Карвон» маҳалласида яшовчи 83 ёшли Марзия ая Тўхтаева тикувчилик ҳунари билан эл-юрт ҳурматини қозongan. У фарзандлари ва невараларига ҳам ушбу ҳунар сирларини ўргатиб, улар ёрдамида «Карвон чевар» оилавий корхонасини ташкил этди.

■ **ХОЛБИБИ САФАРОВА**
«Mahalla»

Айни пайтда корхона ҳунармандлари томонидан

тиклиётган жойпўш, сўзана, палак ва бошқа попопчилик безаги туширилган буюмлар туман ва вилоят марказидаги бозорларда хариддориг.

— Ҳудудимизнинг ҳар бир

маҳалласида ҳунармандлар истиқомат қилишди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг туман бўлинимаси раиси Малик Мамиков. — Улар ҳунармандчилик йўналиши асосида ўз бизнесини йўлга қўйиб, нафақат оила аъзолари, балки маҳаллоаҳолилари бандлигини таъминлашга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Жорий йилнинг ўтган даврида туманимизда оилавий бизнес, касаначилик ва миллий ҳунар-

мандчиликни ривжлантириш эвазига 100 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Мазкур маҳаллада истиқомат қилувчи Зумрад Яхшиева қизи Соҳида ҳамда шоғирдлари билан қўғирчоқ ясашни йўлга қўйди. Улар ясаётган қўғирчоқлар боғча ва мактабларда болажонларга завқ-шавқ улашмоқда.

Келгусида ҳунарманд устонада қошида дўкон очини режалаштирган.

мандчиликни ривжлантириш эвазига 100 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Мазкур маҳаллада истиқомат қилувчи Зумрад Яхшиева қизи Соҳида ҳамда шоғирдлари билан қўғирчоқ ясашни йўлга қўйди. Улар ясаётган қўғирчоқлар боғча ва мактабларда болажонларга завқ-шавқ улашмоқда.

Келгусида ҳунарманд устонада қошида дўкон очини режалаштирган.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Барқарор кредит ташкилотли мижоз истагига мувофиқ имконият яратади

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнилари жадал сураатларда давом этаётган бир пайтда фуқароларнинг давлат органларига, муассасаларига мурожаатлари соҳасидаги муносабатлар самарали ечим топаётгани билан муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат органларига аризалар, тақдирлар қилиб сингари ҳасилларнинг олдини олади, асос тизимини яхшилайди. Танадаги ортиқча вазнини йўқотиш, бўйрак, жигар, ошқозон касалликларини доволашда кенг қўлланилади.

Айни пайтда Яхёбек Ёқубов хонадонида дунёнинг турли минтақаларида ўсувчи опти турдаги ноёб ўсимликлар парваришланиб, тажрибада синов қўрилади. Улар орасида, айниқса, мутахассислар «Ўғитнинг ўқини босувчи» дея таърифлайдиган, қўллаб қўйиш ва шифобахш хусусиятларга эга аморант ўсимлиги ҳам бор. Тадбиркорнинг мақсади — фармацевтика саноати учун муҳим ҳисобланган ноёб гиёҳлардан сифатли ҳосил олишдир.

Таъкидлаш жоизки, жорий йил-

нинг 21 июнида «Трастбанк» ташкилотини 20 йил тўлади. Утган давр мобайнида банк қўллаб мувоффақиятларга эришди. Энг асосийси, ҳамжиҳатлик билан ўз мижозларининг ишончини қозонди, ўзаро манфаатли ҳамкорлик туфайли фаолиятини кенгайтирди ҳамда келгусидаги ривожланишнинг қафолати сифатида ижобий ном қозона олди.

Банкнинг 20 майидан то 13 июнь кунига қадар банкнинг Андижон, Наманган, Самарқанд, Қарши ва Термиз шаҳридаги филиалларида банк раҳбар ходимлари ва етакчи мутахассисларнинг аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектлари вакиллари, коллеж битирувчилари билан учрашувлари ташкил қилинди.

Таъкидлаш жоизки, жорий йил-



си бу борада қўлга киритилган марраларда тўхтаб қолмай, бундан кейин ҳам олга интилишга довом этмоқда. Мижозлар манфаатлари йўлида ғамхўрлик кўрсатиш, фуқароларнинг мурожаатларига катта масъулият билан ёндашиш банк ходимларининг доимий диққат марказида.

Дарҳақиқат, ўтган қисқа вақт мобайнида банк ходимлари филиаллари жойлашган ҳудудлардаги маҳаллаларда яшовчи турли тоифадаги кишилар — аҳоли вакиллари, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахслар ҳамда ўз бизнесини йўлга қўйиш устида иш олиб бораётган ёшлар — академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари билан юзма-юз мулоқотлар уюштиришди.

— Мазкур учрашувларда Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунининг мазмун-моҳиятини тушуниришга алоҳида эътибор қаратилди, — дейди банкнинг фуқаролар мурожаати билан ишлаш шўъбаси етакчи мутахассиси Собоҳат Ҳайитқориева. — Бундай тадбирларда йиғилганларга фуқаролар билан ишлаш муносабатларини янада такомиллаштириш, мурожаатлар

жираси устидан назоратнинг нечоғли қучайтирилгани ҳақида алоҳида ахборот берилди. Жонли мулоқот тарзида ўтган учрашувларда фуқаролар банк-молия соҳаси, кредит олиш ва бошқа хизмат турларига оид ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан малакали жавоб олдилар.

Бинобарин, «Трастбанк» фаолияти барқарорлигини мустаҳкамлаш ва хизмат кўрсатиш даражасини янада такомиллаштириш бораборида ҳар бир мижозга яқка тартибда замонавий хизматлар кўрсатиш доирасини янада кенгайтиришга ўзининг устувор йўналишларидан бири си-

фатида қараб келмоқда. Бугунги кунда банк ўз хизматлари тури ва сифатини янада оширмоқда. Улар сирасида жозибадор омонат турлар, пластик карталарга доир маҳсулотлар, масофавий банк хизматлари, пул жўнатмалари, кредитлашга оид турли дастурлар мавжуд.

Бундай янгиликлардан қўллаётган асосий мақсад эса, шубҳасиз, имкон қадар банк имкониятларини мижозлар хоҳишларига мувофиқлаштиришдан иборат. Зеро, мижозлар ишончи банкнинг асосий капитали ва ютуғи бўлиб қолвереди.